

Toshkent shahridagi Inha universiteti

Toshkent shahri, Ziyolilar 9, 100170,
Tel.: (998 71) 289 99 99, www.inha.uz, info@inha.uz



Inha University in Tashkent

9, Ziyolilar, Tashkent city, 100170,
Tel.: (998 71) 289 99 99, www.inha.uz, info@inha.uz

№24/1-321-son
2022-yil. «23» 02

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

2021 йил 11 июндаги
32-11-сон топшириғига

Вазирликнинг 2021 йил 11 июндаги “Соҳа ходимларининг ҳукуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича” 32-11-сонли чора-тадбирлар дастурининг 69-бандига асосан Тошкент шахридаги Инҳа университетида 2022 йил 23 февраль куни “Хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўлими”га оид қонун хужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мавзусидаги ўтказилган видеоконференция тарзидаги йиғилиш маълумотлари PDF ва PPTX иловалар орқали юборилмоқда.

Ҳавола: <https://inha.uz/yangiliklar/>

PDF-иловалар сони: 5 бет.

PPTX-слайдлар сони: 15 бет.

Ректор в.б.

М.Джалалов

Ижрочи: Э.Ахмедов
Тел: 71 2899999 (ички ракам 0-503)





«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент шаҳридаги Инҳа
Университети ректори в.б.

М.Джалалов
« 23 » 02 2022 йил

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Ёнғин хавфсизлиги
қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 649-сон Қарори мазмун-моҳиятини
тушунтириш тартиби мавзусида ўтказилган йиғилиши
1 -сон БАЁННОМАСИ

Сана 23.02.2022 йил.

соат 11:00 да.

Тошкент шаҳри.

Раислик қилувчи: А.Тагаев - Маъмурий ишлар бўйича бош менежери.

Катнашдилар: Т.Матчанов - Мониторинг ва ижро назорати бўлими бошлиғи, И.Юлдашев - Юридик бўлими бош юрисконсульти, Э.Ахмедов – Хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари ҳамда университетнинг барча бўлим бошликлари ва масъул мутахассислари.

КУН ТАРТИБИ

1. Тошкент шаҳридаги Инҳа университети ёнғин хавфсизлиги қоидалари билан ишлашда қайси норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан иш олиб бориши ва уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида.

A.Тагаев, Т.Матчанов, И.Юлдашев, Э.Ахмедов сўзга чиқдилар

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети (кейинги ўринларда-Университет) Маъмурий ишлар бўйича бош менежер йиғилишни очиб берди шундан сўнг Хавфсизлик бўлими бошлиғи ўринбосари Э.Ахмедов сўзга чиқиб, Университет ёнғин хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 649-сон Қарори асосида иш олиб бориши ва унинг мазмун моҳияти тўғрисига тушунтиришлар бериб ўтди.

Шунингдек, Ушбу Қарор билан Қўйидагиларни назарда тутувчи Ёнғин хавфсизлиги қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин:

одамларнинг ҳаёти ва соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни ёнғинлардан ҳимоя қилиш юзасидан умумий ёнғин хавфсизлиги талаблари;

ёнгин келиб чиқиши хавфи юкори бўлган ишларни амалга оширишда ҳамда мухандислик асбоб-ускуналаридан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги талаблари;

ишлаб чиқариш, ижтимоий, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳалардаги обьектлар ҳамда маъмурий бинолар учун ёнгин хавфсизлиги талаблари тўғрисида айтиб ўтди.

Шу билан бирга, Ушбу Ёнгин хавфсизлиги қоидалари (кейинги ўринларда — Қоидалар) «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ одамларнинг ҳаёти ва соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий мухитни ёнгинлардан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий ёнгин хавфсизлиги талабларини белгилайди

Қоидалар давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташкилий-хуқуқий шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда — ташкилотлар), уларнинг ходимлари, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар ва фуқаролар учун мажбурлиги тўғрисида айтиб ўтди.

Шунингдек, Қонунда белгиланган қўйидаги тушунчалар:

объект — юридик ёки жисмоний шахснинг мулкий комплекси (ёки унинг бир қисми), шу жумладан, улар учун ёнгин хавфсизлиги талаблари белгиланган бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, технологик қурилмалар, асбоб-ускуна, агрегатлар, буюмлар ва бошқа мол-мулк; оловли ишлар — учкун ҳосил бўлиши, очиқ алангдан фойдаланиш билан боғлик ишлар (электр пайвандлаш, газ пайвандлаш, ёнувчи суюқликлардан фойдаланиб кесиш, кавшарлаш лампаларидан фойдаланиш, битум эритиши ва учқун чиқариш билан боғлик бошқа ишлар);

технологик жараён — модда ва маҳсулотларнинг хусусиятини ва (ёки) ҳолатини ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми;

одамлар оммавий бўладиган объект — бир вақтнинг ўзида 50 нафардан кўп одамлар бўлиши кўзда тутилган хона, бино, иншоот (турап жойлар бундан мустасно);

одамлар оммавий бўладиган объект — бир вақтнинг ўзида 50 нафардан кўп одамлар бўлиши кўзда тутилган хона, бино, иншоот (турап жойлар бундан мустасно);

ёнфинга қарши оралиқ — ёнгин тарқалишининг олдини олиш учун бинолар ва (ёки) иншоотлар оралиғидаги белгиланган масофа;

ёнфинга қарши техник ҳимоя воситалари — ёнгинни автоматик тарзда аниқлаш ва ўчириш, тутунни чиқариш, хабар бериш, ёнфинга қарши сув таъминоти тизимлари, шунингдек, одамларни ва моддий бойликларни ёнгиндан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган бошқа техник воситалар тўғрисида айтиб ўтдилар.

Шу билан бирга, ашкilot раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятларига қуидагилар киради:

а) «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-хуқукий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар ҳамда ушбу Қоидаларнинг талабларига ҳар бир обьектда риоя этилишини ва бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш;

б) таркибий тузилмалар низомларида ва обьект ходимларининг лавозим йўриқномаларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбуриятларни назарда тутиш;

в) обьект бўйича буйруқ билан:

объектнинг технологик ускуналарини, шамоллатиш ва иситиш тизимлари, яшиндан ҳимоя қилувчи ва ерга улаш мосламаларини, алоқа ва хабар бериш воситаларини, ёнгинга қарши техник ҳимоя воситаларини соз ҳолда сақлаш ва фойдаланиш учун ҳамда ташкилотнинг обьектларида ёнгин хавфсизлиги бўйича масъул шахсларни тайинлаш;

ҳар бир обьект учун унинг ёнгин хавфлилигига кўра ёнгинга қарши режимини белгилайдиган ёнгин хавфсизлиги йўриқномалари ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ ишлаб чиқилишини таъминлаш;

оловли ва бошқа ёнгин хавфи мавжуд ишларни хавфсиз бажариш тартиби ва вақтни белгилаш ҳамда улар бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш;

объектнинг ходимлари ўртасида ёнгин содир бўлган вақтдаги мажбуриятларини тақсимлаш.

г) тегишли ёнгинга қарши йўл-йўриқ бериш орқали ходимларни ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларига ўргатишни ва ушбу Қоидаларга 2-иловага мувофиқ ёнгин-техник минимум бўйича машғулотлар ўтказишни ташкил этиш;

д) ёнгин содир бўлганда унинг сабабини, содир этилиши ва ривожланиши (тарқалиши) шароитларини, ёнгин келиб чиқишида ва ёнгин хавфсизлиги талаблари бузилишида айбдор бўлган шахсларни аниqlаш чораларини кўриш;

е) ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофиқ ёнгин хавфсизлиги ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақидаги маълумотлардан иборат ахборот стендларини ташкил этиш, шунингдек, улар ўз вақтида янгиланишини таъминлаши тўғрисида айтиб ўтди.

Шунингдек, Ташкилотларнинг хоналарида, бино ва иншоотларда (якка тартибдаги тураг жойлардан ташқари) қуидагилар тақиқланади:

а) ертўла ва цоколь қаватларида, йўлакларда, зина катакларида енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни, порох, портловчи моддаларни, газ баллонларини, аэрозоль идишдаги товарларни, целлулоид ва бошқа портлаш хавфи бор модда ва материалларни сақлаш ва фойдаланиш, амалдаги норматив ҳужжатларда келтирилган ҳолатлар бундан мустасно;

б) чордоклар, техник қаватлар, шамоллатиш тизими ўрнатилган ва бошқа техник хоналардан ишлаб чиқариш участкалари, устахоналар сифатида фойдаланиш ҳамда ушбу жойларда маҳсулотлар, ускуналар, мебеллар ва бошқа буюмларни сақлаш;

в) лифт холларига хужра, киоск, савдо шохобчалари ва шу кабиларни жойлаштириш;

г) ертўла ва цоколь қаватларидан чиқиш эшиклари умумий зинапоя катакчаларидан алоҳида ажратилмаган бўлса, уларда ёнувчи материалларни сақлаш омборлари ва устахоналарни ташкил этиш ҳамда бошқа хўжалик хоналарини жойлаштириш;

д) лойиҳада кўзда тутилган вестибиоль ва холлар, йўлаклар, тамбур ва зина катакларининг эшикларини олиб ташлаш;

е) балкон ва лоджияларнинг эшик ва люкларини, қўшни хонага ўтиш йўлаклари ва ташқи қутқарув зиналарига чиқиш жойларини мебель, ускуна ва бошқа буюмлар билан тўсиб қўйиш;

ж) бензин, керосин ва бошқа енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлардан фойдаланган ҳолда хоналарни тозалаш ва кийимларни ювиш, шунингдек, кавшарлаш лампаси ва очик оловдан фойдаланган ҳолда яхлаб қолган (музлаган) қувурларни эритиш;

з) белгиланган тартибда тасдиқланган норма ва қоидаларда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари деразаларга очилмайдиган панжаралар ўрнатиш;

и) ёнғин вақтида хавфсизлик зонасига кирувчи лоджия ва балконларни ойналар билан қоплаш;

к) зина катакларида ва йўлакларда хўжралар ташкил этиш, шунингдек, зинанинг қаватлар орасидаги қисмида (марш) ва майдонларида буюмлар, мебель ва бошқа ёнувчи материалларни сақлаш (бинонинг биринчи ва цоколь қаватларидаги зина катаклари остида фақат марказий иситиш тизимини бошқариш тармоқлари, сув ўлчагич тармоқлари ва электр шчитлари ўрнатилган деворлари ёнмайдиган материаллардан ишланган хоналарни жойлаштириш мумкин);

л) омборлар ва бошқа ишлаб чиқариш хоналарида (оловга бардошлилиги V-даражали бинолардан ташқари) ёнувчи ва қийин ёнувчи материаллардан ҳамда тунука металлдан ясалган антресоллар, шунингдек, бошқа ички хоналарни ташкил этиш бўйича тақдимот орқали Университетнинг барча бўлим бошликлари ва масъул мутахассисларига тушунишилар бериб ўз нутқларини якунлади.

Шундан сўнг сўз навбатини Университетимиз Мониторинг ва ижро назорати бўлими бошлиғи Т.Матчанов ҳамда Юридик бўлими бош юрисконсульти И.Юлдашевлар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги “Соҳа ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича” 32-11-сонли чора-тадбирлари бўлаётган

камчилик ва муаммолар бўйича Университетнинг бўлим бошликлари ва масъул мутахассисларига тушунтиришлар бериб ўтди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан ҳамда берилган топшириқлар асосида йиғилиш **карор қилди**:

1. Хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Э.Ахмедовга, йил давомида Университетда ўт ўчириш воситаларини доими равишда соз ҳолда эканлигини назорат қилиб борсин ва ходимлар ва талабалар ўртасида доимий равишда ёнигин хафсизлиги коидалари бўйича тушунтириш ишларини олиб борсин.

2. Ушбу баённома ижросини назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Баённомани тузувчи



З.Эркабаев